

**“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжинириг компанияси” УК  
Фарғона вилоят ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи  
Р.Холиқназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 26 октябрдаги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Бувайда тумани Маслахат МФЙ Кўргонча кўчаси ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишларни бажарилиши тавсия этилади.

### **Ичимлик сув бўйича**

Бувайда тумани Маслахат МФЙ аҳолисини бир кунлик сув сарфи 250 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, Маслахат МФЙ ҳудудига мавжуд 1 дона тик ичимлик сув қудуғига 1 дона ичимлик суви минораси ўрнатиш, лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармок тортилиб Маслахат МФЙ ҳудуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНК, ҚМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув

объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Бувайда тумани бўлими бошлиғи:**

**Бош муҳандис:**

**ИЧБ муҳандиси:**



**С.Дехқонов**

**Н.Оқбоев**

**О.Омонов**